

## **Бағдод тумани ҳокимлиги, туман Бандликка күмаклашиш маркази ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркази ўтказилди**

Бағдод туман Прокуратурасининг ташаббуси билан “Бағдод туманида иш изловчи фуқаролар, айниқса, Касб-хунар коллекциялари битирувчлари, четдан қайтган фуқаролар шунингдек одам савдосидан жабир кўрган фуқароларни бандлигини таъминлаш мақсадида 2018 йилнинг 12 декабрь куни белигаланган тартибда меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 май кунги ПФ-5052-сонли қарорининг З бўлим З хатбоисига асосан Туман прокурори ташаббуси билан ўтказилган меҳнат ярмаркасига туман прокурори адлия маслаҳатчиси М.Ш.Назаров, туман ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Б.Холдаров, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Бағдод туман кенгаши раиси З.Тўраев Бандликка күмаклашиш маркази ходимлари, тижорат банклари ҳамда иш берувчи ташкилотлар, хусусий корхоналар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар раҳбарлари ҳамкорлигига бўш иш ўринлар меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Меҳнат ярмаркасига тумандаги 47 та иш берувчи ташкилот, корхоналар хусусий корхоналар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар бошлиқлари 200 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Меҳнат ярмаркасида жами 135 нафардан зиёд фуқаролар жалб қилинди. Шундан аёллар 95 нафарни, ёшлар 105 нафарни ташкил этди.

12.12.2018 йил кунги ўтказилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида жалб қилинган 135 нафар фуқаролардан 10 нафар фуқаролар ишсиз шахс сифатида рўйхатга олинниб туманимиздаги корхона ва ташкилотлардаги мавжуд бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилди.

Шунингдек ярмаркага қатнашган битирувчилардан 85 нафари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва шу орқали ўз бандлигини таъминлаш мақсадида тумандаги тижорат банкларига имтиёзли кредитлар олиш истагини билдиришди.

Ўтказилган бўш иш ўринлар меҳнат ярмаркасида иштирок этган 74 нафар фуқароларга тумандаги АТБ Агробанк ходимлари кредит олиш бўйича ҳамда Бандликка күмаклашиш маркази ходимлари меҳнат хуқуқи ва ўқув машғулотларида битирувчиларга ишга қабул қилишда **берилган имтиёзлар (Меҳнат кодексининг 84-моддаси)**, меҳнат шартномасининг муддатлари, тузилиши, ишга киришда буйруқларнинг расмийлаштирилиши, иш хақи, ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар (**80-модда**), ишга қабул қилишни расмийлаштириш тартиби (**82-модда**), меҳнат дафтарчаларини юритилиши, битирувчилар учун синов муддатларининг белгиланмаслиги (**247<sup>1</sup>-модда**) ва жамоа шартномаларида касб-хунар коллекциялари битирувчиларининг ҳуқуқлари тушинтириб, ўзларини қизиктирсан саволларига ҳуқуқий жавоблар ва маслаҳатлар олишди.

Ушбу ўтказилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси самарадорлиги ва натижадорлигини инобатга олган холда келгусида тумандаги хар бир секторда шундай меҳнат ярмаркалари ўтказилиши белгилаб олинди.

**Марказ директори: А.Имомов**

Бағдод тумани Чўринди қишлоғи Маданият уйида ўтказилган ярмаркадан фото

---

2018-12-20 11:25:12